

ЎЗБЕК ТИЛИ ЮРИДИК ТЕРМИНОСИСТЕМАСИНING ИСТИҚЛОЛ ДАВРИДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ

Эъзога Қурбонова

Алфраганус университети катта ўқитувчиси (PhD)

ГулДУ докторанти (DSc)

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек тилига хос юридик терминларнинг нутқий фаолиятдаги ўрни, аҳамияти ва термосистемадаги тараққиёти хусусида фикр юритилган. Бу борада ўзбек ва хорижий тиллар доирасида амалга оширилган назарий ва амалий тадқиқотлар тўғрисида мулоҳаза юритилган.

Калит сўзлар: термин, юридик термин, термосистема, лексикография, сўз, ибора.

Аннотация: В данной статье рассматривается роль, значение и прогресс юридических терминов, характерных для узбекского языка в речевой деятельности. В этой связи были рассмотрены теоретические и практические исследования, проведенные в рамках узбекского и иностранного языков.

Ключевые слова: термин, юридический термин, термосистема, лексикография, слово, фраза.

Дунё тилшунослигида терминология ҳар бир фан тармоғининг қон томири сифатида жадал ривожланди. Терминосистеманинг тизимли шаклланишида терминографик тадқиқотлар катта аҳамият касб этишини давр кўрсатмоқда. Муайян тилнинг терминологик тизимларини, шунингдек, тилнинг умумий бойлигини кўрсатиб берувчи изоҳли луғатлар ҳар қандай тилшунослик учун бу борадаги энг йирик амалий тадқиқотлар саналади.

Ўзбек тилшунослигида бу масалада салмоқли ютуқлар қўлга киритилган. Аммо тил ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ тарзда тараққий этиб боришини ҳисобга олсак, луғатлар яратиш ишининг такомиллаштирилиши, луғат базасининг бойитилиб, янгиланиб бориши долзарблигича қолаверади. Зотан, “ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни, она ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз керак”⁵⁴ экан, соҳавий билимларни эгаллашнинг асосий манбаси терминографияга оид тадқиқотларга эҳтиёж ортиб бораверади. Шу жиҳатдан муайян соҳа терминларининг лексикографик хусусиятларига махсус бағишланган ишларнинг камлиги ҳам ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

⁵⁴Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқи. / Ҳалқ сўзи, № 218-сон, 22.10.2019.

Ўзбек тилшунослигида терминологиянинг лексикографик хусусиятларига бағишланган қатор тадқиқотлар мавжуд, луғат ва қўлланмалар чоп этилган. Ўзбек тилида лексикография ва терминология масалалари М.Э.Умархўжаев, Х.Дадабоев, И.Х.Садикова, С.Х.Нурматова, О.Турсунова, П.П.Нишонов, О.С.Аҳмедов, Ҳ.В.Мирзахмедова, С.Мухамедова, С.Э.Нормаматов, С.Т.Мустафаеваларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Умумий изоҳли луғатлар ҳар қандай тилшуносликнинг лексикография соҳасида амалга ошириладиган йирик ишлардан. Зеро, унда умумхалқ бойлиги – тилнинг бутун салобати, барча услубга хос сўз, ибора, турли соҳага оид терминлар ўз аксини топади. Шу билан бирга, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга ошаётган катта ўзгаришлар, дунёнинг ривожланган жуда кўп давлатлари билан алоқаларнинг тобора кучайиб бораётганлиги қисқа фурсатлар ичида ўзбек тили, айниқса, унинг лексикаси ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Ана шундай омиллар таъсирида ўзбек тилининг луғат таркибида юз берган жиддий ўзгаришлар сабаб ўзбек тилининг замон талабига жавоб берадиган кўп жилдли изоҳли луғатини тузиш, нашрга тайёрлаш ва чоп қилиш⁵⁵ ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунгача ўзбек тилининг катта ҳажмда сўз бойлигини, тилнинг адабий тил меъёрларини, ўзбек тилининг қўлланиш ҳолатини кўрсатиб берувчи изоҳли луғатлар икки марта яратилган. 1981 йилда яратилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” икки томдан иборат. Ундан фарқли равишда анча тўлдирилган ва таҳрир қилинган ҳолда нашр этилган 5 жилдли ЎТИЛ ҳам кенг фойдаланувчилар аудиторияси учун ўзбек тили бўйича бебаҳо манба экани шубҳасиз. Ушбу луғатлар нафақат тилдан фойдаланувчилар учун, балки тилшунослик соҳаси учун ҳам қимматли материал. Чунки ўзбек луғатчилигида бу каби йирик лексикографик манба яратилиши луғатшуносликда ўзига хос ютуқ деб қаралиши билан бирга, соҳада янги босқични бошлаб берди деб айта оламиз.

Таъкидлаш керакки, ушбу луғатларда (2 томли ва 5 жилдли) тилнинг луғат яратилган даврдаги ўзбек тили ҳолатининг улкан қисми акс этган. Сўз бирикмалари, иборалар билан бирга ҳаётнинг турли соҳаларига тегишли терминлар ҳам луғатдан ўрин олган.

1981 йилда яратилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ўзбек халқи тарихида биринчи марта нашр этилди. 1952 йили ВКП Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Молдавияда русча-миллий луғатлар тузиш ҳақида қарор қабул қилган. Бу луғатларни нашр этиш Давлат – хорижий ва миллий тиллар луғатлари нашриётига топширилган эди. Шундан кейин Ўзбекистон ССР ФА Тил ва адабиёт институти лексикографлари билан мазкур нашриёт ходимлари ўртасида мустаҳкам ва самарали ҳамкорлик натижасида 50 минг

⁵⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.8.

сўзли бир томли «Русча-ўзбекча луғат» (М.,1954) ва 40 минг сўзли бир томли «Ўзбекча-русча луғат» (М., 1959) тайёрланди ва нашр этилди.

Шундай қилиб, икки тилли луғатлар, хусусан «Ўзбекча-русча луғат» устидаги барча ишлар, маълум даражада, изоҳли луғатни яратиш учун тайёргарлик бўлди. Бу ишлар давомида ўзбек тилининг изоҳли луғати ва ўзбекча-русча луғатларнинг тузилиши учун умумий бўлган кўпгина масалалар амалий равишда ҳал этилди. Луғатда бош сўзларнинг шакли, сўз танлаш принциплари, сўзларнинг маъно, стилистик, грамматик характеристикаси, лексикографик белгилар системаси ҳақидаги масалалар ана шундай масалалар жумласидан.

Ўзбекистонда амалий лексикография соҳасида эришилган муваффақиятлар икки тилли луғатларнинг муайян лексикографик масалаларни ҳал этишда орттирган бой тажрибаси ва камчиликларини ёритишга бағишланган бир қатор илмий ишни юзага келтирди. Улар ўзбек тилининг изоҳли луғатлари учун ҳам, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга бўлди. Бундай ишлардан А.К.Боровковнинг «Из опыта составления русско-национальных словарей» номли мақоласини (Лексикографический сборник, вып. I, М., 1957), Э.В.Севортяннинг «Некоторые вопросы тюркской лексикографии» мақоласини (Лексикографический сборник, вып. III, М., 1958), шунингдек, Г.Н.Михайловнинг «Опыт лексикографического исследования узбекско-русских словарей, изданных в советский период» (Тошкент, 1961), К.А.Шарафутдинованинг «Раскрытие значений слова в двуязычном узбекско-русском словаре» (Тошкент, 1963), Т.Аликуловнинг «Полисемия существительных в узбекском языке» (Тошкент, 1966), С.Ф.Акобировнинг «Лексикографическая разработка терминологии в двуязычных словарях» (Тошкент, 1969), А.Турабоевининг «Лексикографическое оформление глагольных форм в тюркско-русских словарях» (Тошкент, 1971) номли диссертация ишларини кўрсатиш мумкин. Бу ишларда ўзбек тили изоҳли луғатининг муаммолари бевосита қўйилмаган бўлса-да, икки тилли луғат масалалари билан боғлиқ ҳолда қаралади. А.А.Йўлдошевнинг «Принципы составления тюркско-русских словарей» номли китоби (М., «Наука», 1972) ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Ундан кейин ҳам ўзбек тили изоҳли луғатини тузишнинг муайян масалаларига бағишланган айрим ишлар юзага келди⁵⁶. Бу каби ишлар ўзбек тилининг юқорида таъкидланган биринчи изоҳли луғатини тузиш учун асос бўлди ва унинг илмий базасини юзага келтирди, лекин изоҳли луғатни тузиш учун бевосита асос бўлган луғат 1959 йилда нашр этилган «Ўзбекча-русча луғат». Унда ўзбек лексикографиясининг тажрибаси умумлаштирилган, ҳозирги замон ўзбек тилининг лексик-семантик системаси, ўтган даврда шаклланган нормалари биринчи марта кенг

⁵⁶ А к о б и р о в С. Ф. Ўзбек тили луғатининг баъзи бир масалалари. — «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1960; А к о б и р о в С. Ф. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида кўшма сўзлар.— «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1965, №6; А к о б и р о в С. Ф. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида фразеология. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1966, № 6; Ҳожиёв А. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида феълларнинг берилиши. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1962, № 4; Ҳожиёв А. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида кўшма сўзларнинг берилиши. — Ўша журнал, 1966, № 2.

тавсифланган. Мазкур «Ўзбекча-русча луғат» меъерийлик тамойилига асосланган. Изоҳли луғат ҳам ўзбек тилининг меъерий луғати.

Миллий истиқлолнинг қўлга киритилиши ва бунинг натижасида тил сиёсатида юзага келган жиддий ўзгаришлар давр талабига жавоб берадиган, янги ва кўп жилдли изоҳли луғатни тузиш эҳтиёжини юзага келтирди. Шу зарурат асосида ҳукуматнинг махсус қарори билан Давлат дастурига ўзбек тилининг янги изоҳли луғатини яратиш ва уни чоп этиш вазифаси киритилди⁵⁷. Натижада 2008 йилда Ўзбек тилининг 5 жилдли изоҳли луғати дунё юзини кўрди. Мазкур луғатни тузишда 1981 йилда яратилган луғат материалларидан фойдаланилган, аммо унинг тўлдирилган, қайта ишланган, тузатишлар киритилган нашри эмаслиги⁵⁸ таъкидланади.

Ўзбек тили XX асрнинг 2-ярмида, хусусан, кейинги ўн йилида янги-янги сўзлар, сўз шакллари ва ифода воситалари билан бойиди, шу билан бирга, сифат жиҳатидан ҳам анча ўзгарди. Унда янги меъёр (норма)лар, янги хусусиятлар шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Бундай ўзгаришлар тилнинг фонетик таркиби ва алифбосида ҳам, имло ва талаффузида ҳам, морфологик ва лексик-семантик тузилмасида ҳам, стилистикаси ва грамматик қурилишида ҳам озми-кўпми ўз аксини топди. Айниқса, ўзбек тили лексикасида катга ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, техника ва маданиятнинг бекиёс тараққиёти, мамлакатимизда янги иқтисодий ислохотлар ҳамда бозор муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ўзбек тили луғат таркибида жуда кўп янги сўз ва терминлар юзага келди. Кўпгина сўзларнинг маъноси ўзгарди, кенгайди, айрим сўзларнинг маъноси янада аниқлашди, ўзаро фарқланди. Буларнинг деярли барчаси беш жилдли луғатда ўз ифодасини топган.

Луғатнинг бирламчи вазифаси ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик бойлигини тўплаш ва тавсифлаш бўлибгина қолмай, унинг меъёрларини белгилаш ва барқарорлаштиришдан ҳам иборат. Бир пайтнинг ўзида у нутқ маданиятининг юксалишига ҳам хизмат қилади.

Юқорида айтилганидек, ўзбек тилининг изоҳли луғати – меъерий луғат. “Унинг меъерийлиги шундан иборатки, луғатда адабий тилнинг имло, талаффуз, сўз ясаш ва уни ишлатиш меъёрлари тавсия этилади. Бунинг учун сўзлар луғатга, ўзларининг умуммиллий адабий тилга муносабати, унда тутган ўрни ва қўлланиш доирасига кўра танлаб киритилган. Луғатда ҳар бир сўзнинг мақбул ёзилиш шакли, (ўзлашма сўзларнинг) келиб чиқиши – этимологияси, зарур ҳолларда, талаффузи кўрсатилган, маъноси (ёки маънолари) аниқланган ва изоҳланган, сўзларнинг аниқланган

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сонли қарори ва унга илова қилинган давлат дастури

⁵⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006. – Б.5.

маънолари ва шу маъноларда тўғри қўлланиши ўзбек бадий ва илмий адабиётидан, матбуотдан олинган мисоллар – иқтибослар билан далилланган”⁵⁹.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқи. / Ҳалқ сўзи, № 218-сон, 22.10.2019.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.8.
3. А к о б и р о в С. Ф. Ўзбек тили луғатининг баъзи бир масалалари. — «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1960.
4. А к о б и р о в С. Ф. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзлар.— «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1965, №6.
5. А к о б и р о в С. Ф. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида фразеология. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1966, № 6.
6. Ҳожиёв А. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида феълларнинг берилиши. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1962, № 4.
7. Ҳожиёв А. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзларнинг берилиши. – Ўша журнал, 1966, № 2.
8. Tuychieva, I., Aripov, S., Madaminova, D., & Mustaev, R. (2021). THE PEDAGOGICAL SYSTEM OF PREPARING BOYS FOR FAMILY RELATIONSHIPS IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS. 湖南大学学报 (自然科学版), 48(8).
8. Aripov, S. O. (2020). SOCIO-PSYCHOLOGICAL ROLE AND SIGNIFICANCE OF THE FAMILY IN PREPARING CHILDREN. In Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества (pp. 311-313).
9. Olimovich, A. S. (2023). The Role of Parents in the Formation of Young People and the Imagination of the Family. Journal of Intellectual Property and Human Rights, 2(4), 4-8.
10. Арипов, Ш. О. (2022). Ёшларни оилага тайёрлашда оилада эр ва хотиннинг айрим мажбурият ва бурчларини қонуний жиҳатдан тушунтириш. Academic research in educational sciences, 3(1), 68-75.
11. Olimovich, A. S. (2023). DINIY VA DUNYOVIY BILIMLAR ASOSIDA AJRIM SABABLARINI YOSHLARNI OILAGA TAYORLASHDA YETKAZIB BERISH. IJODKOR O'QITUVCHI, 3(26), 335-338.

⁵⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006. – Б.8.